

2021 YIL - YOSHLARNI QO'LLAB-QUVVATLASH VA AHOLI SALOMATLIGINI MUSTAHKAMLASH YILI



Farg'onaazot

aksiyadorlik jamiyati



fargonaazot_uz



AO Farg'onaazot



www.azot.uz



info@azot.uz



fargonaazot.uz



t.me/fargona_azot

Kimyogar

Ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

Fidoyilik — Vatanga xizmat demak!

Gazeta 1979 yil yanvar oyidan chiqa boshlagan.

№ 1 (1689) 2021-yil, 13-yanvar.

МУРОЖААТНОМА БИЗНИ РУХЛАНТИРДИ

Мухтарам Президентимиз мамлакат парламент палаталари, ҳукумати ва халқига мурожаат қилди. Президент Мурожаатномаси барча соҳалар қамраб олинганлиги ва ушбу соҳаларда бўладиган ўзгаришлар, киритиладиган янгиликлар кўлами билан аҳамиятлидир. Ўзбекистон халқининг барча соҳалардаги аниқ вазифаларни белгилаб берувчи обод ва фаровон келажагига қаратилган буюк хитобдир. Бир сўз билан айтганда, давлат ривожини янги босқичга олиб чиқади, -дея фикр қилиш мумкин.

Мурожаатнома мамлакатимиз тараққиётининг муҳим йўналишларини белгилаб берди. Бу йилги мурожаатномани ҳам корхонамиз ишчи-ходимлари катта ҳаяжон ва диққат-эътибор билан тинглади. Ўзбекистондаги барча давлат органлари қатори бизнинг зиммамизга ҳам катта масъулият юклаб, аниқ вазифаларни белгилаб берди. Мурожаатномада 2020 йилда қўзатилган пандемияга қарамасдан республикамизда эришилган ютуқлар тўғрисида тўхталиб ўтилди.

Мурожаатноманинг ўзига хос томони шундан иборатки, унда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада мустаҳкамлаш кайфияти устунроқдир. Ушбу мурожаат кўплаб муаммоларга стратегик ечимни тақлиф қилди. Хусусан, Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ 5 мингта яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қайта қўриб чиқиши, уларнинг сони қисқартирилиши ҳамда "Тадбиркорлик кодекси"ни ишлаб чиқиш ёқси мамлакатдаги барча тадбиркор ва тадбиркорлик қилиш истагидоғиларга янада кенг имкониятлар яратди. Шу билан бирга, пандемия шароитида ўз ишини йўқотган аҳолини қамбағалликка тушиб қолишдан асраш мақсадида янгича тизим жорий этилиши таъкидландики, унга кўра, вақтинча ишсизлик нафақаси 3 баробар оширилди ва бунда 6 та ҳужжат талаб этиладиган эски бюрократик тартиб бекор қилинади.

Мухтарам Президентимиз ўз нутқи давомида юртимизда қамбағалликни қисқартириш, эҳтиёжманд оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам ўз тақлифларини билдириб, энг муҳим янгилик сифатида келгуси йил 1 март кунидан бошлаб, аҳолининг минимал истеъмол харажатлари эълон қилинишини айтиб ўтди. Таъкидланганидек, эҳтиёжманд оила вакиллари қамбағалликдан чиқариш учун уларнинг яшашга бўлган интилишини ошириш, ўз кучига ишончини пайдо қилиш керак. Бу тажриба ўз-ўзидан инсонларда аниқ мақсад сари ҳаракат қилиш кўникмасини оширади.

Маълумки, дунёда юз берадиган ҳар қандай ўзгаришлар ўз таъсирини дастлаб оила муҳитида намойён этади. Айниқса, дунёда глобаллашув жараёнларининг фаоллашуви, маънавият ва ахлоқий тарбияда фарб маънавиятигача со бўлган иллатларнинг кучайиши ҳаётимизнинг барча жабҳаларига, хусусан, оила муҳитига ҳам таъсир кўрсатмоқда. Инсон қалбидagi соф ва эзгу туйғулар, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлар, аввало, оила муҳитида шаклланади. Дарҳақиқат, оила барча ислохотлар, ўзгаришлар, таназзул ва тараққиётларнинг ибтидоси ва интихоси ҳисобланади. "Оила" тушунчасининг маъносидида бунёдкорлик ҳисси, жамиятни мустаҳкамлаш вазифаси, мамлакат раънақи ва умумбашарий келажак каби тимсол, раъний маънолар мужассамдир. Маҳалла ва оила тизимига берилётган ваколатлар эндиликда ёшларимиз ва хотин-қизларимизнинг ҳаёти ва фаолиятига оид кўплаб масалаларига тезкор ечим топиш имконини беради.

Шунингдек, хотин-қизларимизнинг маънавий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислохотлардаги иштирокини фаоллаштириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги ўрнини кучайтириш, Гендер тенгчилигини таъминлаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш каби устувор вазифалар янада самарали амалга оширилади.

2021 йилга "Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили" деб ном берилиши кенг жамоатчилик, халқимиз томонидан қувонч билан қарши олинди.

Аслида ҳам инсон учун ҳаётда фарзандлар бахт-у қамоллини кўриш ва саломатликдан ортиқроқ неъмат йўқ. Мурожаатномада Давлатимиз раҳбари ёшлар тақдири учун қуюнчақлик билан ёндашиб, уларнинг истеъодларини, орзу-умидларини рўёбга чиқариш учун имкониятлар эшигини янада кенг очиб берди. Яратилаётган ҳар бир имконият, ҳар бир имтиёз бир оиланинг бахтига, фаровонлигига хизмат қилади.

Абдулбакир АРТИКОВ,
«Нуроний» Кенгаши раиси:

"Не-не замонлардан бизгача етиб келган, аждодларимизнинг қони, жасорати, сабру матонати ила барҳаёт яшаётган юртимизни асраш, уни она Ватан, муқаддас тупроқ каби ҳимоя қилиш бугунги авлоднинг муқаддас бурчидир".

Азиз ҳамкасблар! Ҳаётимиз ва жамиятимизга янгидан кириб келган жасорат нафаси, янгидан бунёд бўлаётган улкан ўзгаришлар, барча соҳаларда дадил қўйилаётган янги қадамлар халқимизга фахр ва ғурур бағишламोқда. Янги сўз, янги фикр, янги тафаккур пайдо бўлаётгани юрклари кўёш мисол нурафшон этмоқда. Сўнгги тўрт йил ичида ҳар томонлама юксалаётган, қаддини кўёш каби тиклаётган Ўзбекистонни таниб бўлмай қолмоқда.

"Бутун жаҳон микёсида юртимиз ҳақида гап кетганда, "Янги Ўзбекистон" ибораси тилга олинмоқда. Бу албатта кейинги йилларда тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйганимиз, эришаётган золворли ютуқларимизнинг эътирофидир", - деб алоҳида таъкидлади мухтарам Президентимиз.

Жамият билан бирга одамлар ҳам янгилашмоқда, янгича фикрламоқда, янги-янги марралар сари дадил интилкомоқда. "Янги Ўзбекистон" деган иборани янги замон берди. Шиддат билан келаётган улкан ўзгаришлар силсиласида туғилди бу жарангдор ва қудратли сўз! Янгилишни - обдон

(Давоми 2-бетда).

тозаланиш, янгилишни - тафаккур бўлоқларини очиш, янгилишни - тараққиётнинг юксак чўққиларига олиб чиқиш демекдир.

Азиз ёш авлодларимиз! Адиллар хиёбониди адабиётимиз ва маънавиятимиз кўёшларига бош эгиб таъзим қиламиз. Бу миллатимиз даҳолари ўзларини ширин жонларини буюк келажақ учун фидо қилган зотлардир, уларни буюк Ўзбекистонни боқий фидокорлари, кўёшлари деб таърифласак, тўғри бўлади, чунки бу улғу зотлар сиз ва бизлар кўраётган бугунлик саодатлик кунларга етмадилар!

Шарқ ҳикматларидан бирида бундай дейилган: "Биз кўёшни чиқишига қараб қувонамиз, ботишига қараб ҳам қувонамиз, аммо лекин кўёшнинг ҳаракати билан бирга, умримиз ҳам ўтаётгани тўғрисида ўйламаймиз".

Ҳа азиз ёшларимиз, кўёш ва умр... Шиддат ва сурон билан ўтаётган азиз умримизнинг асл тарозиси экан, эмасми? Ҳар куни бизларни ўйғатаётган кўёш умримизни янги куни бошланаётганидан ва уни беҳуда ўтказмасликдан огоҳлантирмоқда эмасми? Унинг ёп-ёруғ кунлари бизларни ҳалол ва тўғри, меҳр-саховат, оқибат, корхонада ҳам ҳалол ва покиза меҳнат қилиб яшашга даъват этмаётими? Қисқа умримизни эзгу ва савобли ишлар билан бешағи, инсон инсоннинг дўсти, биродари, қондоши жондоши экани ва унинг ҳақига ҳиёнат қилмаслиги ҳақида боқий сабоқлар бермаяпдими?

14 ЯНВАРЬ — ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ

Маълумки, Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ мамлакатимиз муҳофаасини кучайтириш масаласи давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинди. 1992 йил 14 январь куни эса мустақил давлатимиз тарихида яна бир муҳим тадбирга қўл урилди. Республика Олий Кенгашининг "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида"ги қарори билан мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий тузилмалар мустақил Ўзбекистон тасарруфига ўтказилди. 1993 йилнинг 29 декабрида 14 январь юртимизда "Ватан ҳимоячилари куни" деб эълон қилинди.



ВАТАН ҲИМОЯСИ — МУҚАДДАС БУРЧ

Бугун Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари мамлакатимиз мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, тинч ҳамда осуда ҳаётимизни ҳимоя қилишнинг мустаҳкам таянчи, деган эътирофга муносиб бўлмоқда. Айтиш кераки, бугунги кунда дунёнинг айрим давлатларида тобора кескин тус олаётган вазият, халқаро терроризм, экстремизм ва радикализм хавфи ортиб бораётгани барча халқларни чуқур ҳавотирга қўймоқда. Юзга келаётган ана шундай таҳлиқалар барчамиздан огоҳлики, Қуролли Кучларимиздан эса юқори даражадаги жанговар қобилиятни мустаҳкамлашни талаб этади. Миллий армиямизнинг Ватан ҳимоясига шайлигини ошириш бўйича мавсумий дала ўқув-йиғинлари ташкил этилапти. Бу, ўз навабатида, ҳарбийларнинг амалий тажрибалири ошишига хизмат қилмоқда.

Ифтихор билан айтиш кераки, бугунги кунда йигитларимиз учун Ватан ҳимояси олий шарафга айланган. Ҳарбий бўлишга интилаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётгани ҳам бунни кўрсатиб турибди. Мустақиллик эълон қилинганидан бошлаб аскарларимиз факат ўзимизнинг юртимизда хизмат қилмоқда. Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий блокка қўшилмайди ва ўз ҳудудида чет мамлакатларнинг ҳарбий базалари жойлаштиришга ҳам йўл қўймайди. Бу-қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, Ватанимиз сарҳадларини қўриқлаётган ҳарбийларни ижтимоий-маънавий қўллаб-қувватлаш борсида ҳам кенг қўламли ишлар амалга оши-



рилганини таъкидлаш даркор. Уларнинг яхши яшashi, оиласи, фарзандлари учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Оила тинч бўлса, ҳимоячиларнинг ҳам кўнгли хотиржам бўлади.

"Farg'onaazot" АЖни Ёшлар Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 29 йиллиги муносабати билан "Ватанпарварлик ойлиги" доирасида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди. Ўзбекистон Ёшлар иттифокнинг корхона бошланғич таъкилотли ташаббуси билан Қуролли Кучлар ҳамда ички ишлар органлари тизими ходимлари ва фахрийлар билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда Фарғона шаҳар муҳофаа ишлари бўлими бошлиги ўринбосари подполковник Улғубек Мирноятов, заҳирадаги

полковник Рустамжон Мамаюсов ҳамда корхонада фаолият юритаётган Афғон уруши қатнашчилари ва ёшлар иштирок этди. Дастлаб, Фарғона шаҳар муҳофаа ишлари бўлими бошлиги ўринбосари подполковник Улғубек Мирноятов ҳамда заҳирадаги полковник Рустамжон Мамаюсовлар сўзга чиқиб, она Ватанга хизмат, бурчга садоқат, юртга даҳлдорлик сингари фазилатларнинг инсон қамолотидаги ўрни ҳақида тўхталиб ўтишди.

Учрашувда сўзга чиққан соҳа фахрийлари ҳарбий хизматнинг машаққатли жиҳатлари, таълим-тарбия жараёнида "устоз-шоғирд" аънаъасининг ўрни, юртга садоқат билан хизмат қилишда ёшлардан талаб этиладиган касбий ва ахлоқий фазилатлар

ҳақида мулоҳазаларини билдиришди. Тадбирда корхонанинг ватанпарвар ёшларидан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан таъсис этилган «Меҳр-саховат» кўкрак нишонини соҳиб, Қўтқарув отряди бўлини ходими Нурмурод Сиронов сўзга чиқиб, асл ватанпарварлик тўғрисида фикрларини ҳамкасблари билан ўртоқлашди ва барча ёшларни ватанпарвар бўлишликга чорлади.

Тадбир сўнгида, "Farg'onaazot" АЖни Ёшлар Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 29 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимояси йўлида фаолият юритаётган ходимларга эсдалик совғалари топширилди.

Хушхабар

КОРХОНАМИЗ ЁШЛАР КЕНГАШИ "ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ"НИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ ФАОЛ ИШТИРОКИ УЧУН ТАҚДИРЛАНДИ

Мамлакатимизда ёш авлодни баркамол этиб тарбиялаш, уларнинг мустақил ҳаётга дадил қадам қўйишларига шароит яратиш, ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш, замонавий ахборот технологиялари саводхонлигини ошириш, китобхонлик маданиятини юксалтириш каби долзарб вазифаларни ўз ичига олган 5 та муҳим ташаббусни амалга ошириш мақсадида бутун республикамиз бўйлаб 18-25 декабрь кунлари "Ёшлар фестивали" ўтказилди.

Фарғона шаҳар Санъат саройида ёшлар фестивалининг якуний босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоятимизнинг

ташаббускор ва фаол, иқтидорли ва истеъодли, тадбиркор ва зукко ёшлари иштирок этишди. Форумни Ёшлар агентлиги вилоят бошқармаси бошлиги Муҳаммадмин Фаниев кириш сўзи билан очиб, сўзни вилоят ҳокими Хайрулло Бозаровга берди.

Вилоят ҳокими ўз навабатида ёшларни мамлакатимизда илк бор ўтказилаётган ёшлар анжумани билан самимий муборакбод этди.

— Бугун сиз жамиятимизнинг олтин заҳираси бўлган ёшлар билан тарихий санада кўришиб турганимдан бағоят хурсандман. Бугун бирор бир соҳа йўқки, ислохот кириб бормеган бўлсин. Шу ўринда, энг катта эътибор ёшлар масаласига қаратилаётганлигини эътироф этиш керак. Илк бор ёшлар тўғрисидаги Қонуннинг қабул қилиниши, ўтган 4 йил давомида 70 га яқин қарор ва фармойишларнинг ҳаётга тадбиқ

этилиши фикримиз исботидир. Хабарингиз бор, мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев видеоселектор тарзида ўтказилган "Ўзбекистон Ёшлари форуми"нинг 30 мингдан ортиқ иштирокчиларига қарата "Сизларни Ўзбекистоннинг энг катта бойлиги, бебаҳо хазинаси сифатида қадрлайман. Биз юртимизда қандай ислохотларга қўл урмайлик, аввало, сиз каби ёшларга, сизларнинг куч-ғайратингиз, азму шижоатингизга сўянамиз" дея мурожаат қилди.

Вилоят раҳбари вилоят ёшларига мурожаатини давлатимиз раҳбарининг "Илмни қадрланг, илмга интилинг! Бир сония ҳам вақтингиз бекор ўтмасин! Ёшлик — умрнинг эриб бебаҳо даври эканини, илм, билим — ўтда ёнмайди-кан, сувда чўкмайди-кан, ҳеч ким сиздан тортиб ололмайдиган бекиёс бойлик эканини асло унутманг, деган сўзлари билан яқунлаб, барчага омад тилади. Янги йил кутлуг ва баракали бўлишини, келаётган йилнинг "Фарғона ёшлари йили" бўлишини тилади.

Шундан сўнг, вилоятнинг бир гуруҳ энг фаол ва ташаббускор ёшларига



вилоят ҳокимлигининг Ташаккурнома ва қимматбаҳо совғалари топширилди. Хусусан, Фарғона вилоятида "Ёшларга оид давлат сиёсати"ни амалга оширишдаги фаол иштироки учун "Farg'onaazot"

АЖ Ёшлар Кенгаши ҳам тақдирланди. Ишонимизки, бу эътироф корхонамиз Ёшлар Кенгаши 2021 йилга янада фаол бўлиб, бунданга юксак марраларни эгаллашига туртки бўлади.



МУРОЖААТНОМА БИЗНИ РУҲЛАНТИРДИ

(Бошланиши 1-бетда).

Ҳа, азиз ёшларимиз юқорида айтилган сўзлардан келиб чиқиб, сизларга айтидиган насиҳатимиз шунли: аввало ўзингизни эҳтиёт қилинг ота-она, қариндошларни, дўсти-бродарларни ҳурмат қилинг, шунингдек ҳалол меҳнат қилинг муқаддас Ватанин севинг ва унга жонфидо бўлинг токи бизлар аввалгиларни эслагандай сиздан кейингилар ҳам сизларни эсласинлар!!!

*Қуёш билан уйғонганларга
Самийий саломлар бўлсин,
Саломлар бўлсин-у,
Ҳикматли каломлар бўлсин!
Қуёш билан уйғонганларга
Бахтлар доим қулиб боксин,
Юракдаги шижоати, ғайрати
Ҳамиша қуёшдай порласин!
Юрт Нуруийлари номидан,
Ёшларга зўр тилаклар бўлсин!*

**Бобур МЎМИНОВ,
Бошқарув раисининг ёшлар
масалалари бўйича
маслаҳатчиси:**

— Мамлакатимиз раҳбари ҳар бир маърузасида ёшлар масаласига тўхталмай ўтар экан, йўлланган Мурожаатномада ҳам айни мана шу эътибор ўзининг яна бир маротаба тасдиғини топди. Мурожаатномада кўтарилган энг устувор гоа ва мақсадлар бугунги кунда бизнинг эркин ва мустакил фикрлай олишимизда, тинч ва фаровон яшашимизни йўлга қўйишимизда ҳам аҳамиятлидир. Айниқса, “илм-маърифат, маънавият” тушунчаларини кенгроқ тарғиб этиш, “Жаҳолатга қарши маърифат” деган эзгу гоа асосида Ислом динининг инсонпарварлик моҳиятини, тинчлик ва дўстлик каби олижаноб мақсадларга хизмат қилишини тарғиб этиш кун тартибимиздаги доимий масалалардан бири бўлиб қолиши юртимиз эгаларининг салоҳияти, билими ва маърифатпарвар бўлиб улғайишида хизмат қилади. Энг муҳими, янгича фикрлашни, қарашларимизни шакллантиришни, ҳар соҳанинг етук мутахассиси бўлиб фаолият олиб боришимизни талаб этади.

Хусусан, кадрлар тайёрлаш, ёшларга сифатли таълим бериш, уларнинг спорт билан шуғулланиб боришлари учун шароитлар қўламини кенгайтириш борасида билдирилган тақдифлар соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда муҳим мезондир. Қолаверса, бола туғилгандан бошлаб, 30 ёшгача бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун қўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизим яратилиши белгиланганлиги, юртимизда туғилган ҳар бир ёшга алоҳида эътибор қаратилиши, замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайрат-шижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрлар тайёрланишига катта йўл очади.

Сўнгги йилларда юртимиз ёшларига яратиб берилаётган имкониятларнинг чеки йўқдек гўё. Ислохотлар қўлами шунчалик кенги, менинг назаримда уларни бир ёки бир нечта деб санаб бўлмайди. Бугунги ёшлар мустакиллик йилларида вояга етмоқда. “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” ҳам ёшлар ҳаётининг ажралмас бир бўлагига айланишига ишонаман. Сўнгги йилларда яратилаётган шароитлар ва имкониятлар ёшларни ҳаракатга ундамоқда. Энди улардан фойдаланиб, юксак натижаларга эришиш керак ҳолос. Ана шундагина амалга оширилаётган ислохотлар ўз самарасини беради.

**Анвар НАБИЕВ,
АК-72М цехи бошлиғи:**

— Президентимиз келаётган 2021 йилни “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг саломатлигини мустаҳкамлаш” йили деб ном беришни тақдиф этгани юртимизда келажагимиз пойдевори бўлган ёшларимизга қаратилган юксак эътиборни яна бир қўрғиниш деб биламан. Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш мақсадида олиб борилаётган ислохотлар самараси бекиёсдир. Таълим тизимида тарбия устуворлигини таъминлаш, ўз касбини фидойи, жонкуяри билимдонни фарзандларимизга келгуси мустакил ҳаётга келахакка бўлган ишончини мустаҳкамлаб, қўзиқчиларини юксалтириб йўналишлари учуст мураббийларга энг муҳими меҳнатга рағбарлантирадиган педогоглар ишлаши учун шароит яратиши долзарб вазифа бўлиб қолимоқда.

Мурожатномада Президентимиз “Янги Ўзбекистон мактаб оstonасидан таълим – тарбия тизимидан бошланади” деган гоани илгари сургани муҳим аҳамиятга эга.

Аввало ёш авлодга боғча мактаб ва олийгоҳда сифатли таълим –тарбия беришни йўлга қўйишимиз, улар жисмоний ва маънавий соғлом, ватанпарвар шахслар бўлиб улғайиши учун барча куч ва имкониятларни ишга солишимиз таъкидланди.

2021 йилда мактабгача таълим қамровини қўлайтириш олий таълим квоталарини қўлайтириш, ўқитувчи педагогларимизни моддий қўллаб-қувватлаш тўғрисида аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Шунингдек, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш тизимини янги босқичга кўтарадиган кенг қўламли чора-тадбирлар белгиланди. Мурожаатномани тинглар эканман кундаги иқтисодийetni барча йўналишларини ривожланиши бўйича белгиланган чора-тадбирлар халқимиз фаровонлиги учун хизмат қилишига яна бир бор амин бўлдим ва ўз навбатида белгиланган вазифаларни чора-тадбирларни ижросини таъминлашда ҳар бир ходим ўз хизмат вазифасидан келиб чикан ҳолда зиммасига юклантирилган мажбуриятларни ситқи дилдан адо этиб юртимиз равнақи учун ўз ҳиссасини қўйиши даркор.

Мурожаатда белгиланган муҳим вазифалар цехимиз меҳнат жамоаси билан атрофликка ўрганилиб тарғибот ишлари олиб боришмоқда. Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида цехимиздаги ёшлар билан устоз-шоғирд анъаналари давом эттирилмоқда. Улар малакали, тажрибали устозлар томонидан касбий маҳорат, замонавий технологиядан фойдаланишни ўрганимоқдалар. Бундан ташқари ёшларимиз билан доимий равишда ҳукуматимиз томонидан яратилаётган имкониятлар борасида ҳам мунтазам сўхбатлар ташкил этилмоқда.

**Хасанбой АЗЛАРОВ,
Мочевина ишлаб чиқариш
цехи бошлиғи:**

— Мухтарам Президентимиз Олий Мажлиси ва халқимизга йўллаган Мурожаатномани қўриб мулоҳаза қилар эканман ҳар бир соҳа вакилларини ютуғ ва камчиликларини ҳамда келгуси йилда бажарилиши керак бўлган провард мақсадларни таъкидлаб ўтдилар. Жўмладан, «Биз ўз олдимизга мамлакатимизда учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишдек улук мақсадни қўйган эканмиз, бунинг учун янги Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улўбеклар, Навоий ва Бобурларни тарбиялаб берадиган муҳит ва шароитларни яратишимиз керак». Бунда, аввало, таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни таракқий эттириш миллий гоямизнинг асосий устунлари бўлиб хизмат қилиши лозим деб таъкидлади мамлакат раҳбари.

Ушбу йўналишда корхонамиз ҳам ўз навбатида бефарқ эмаслиги корхонамизда ташкил этилган инновация марказда ўз исботини толган. Инновацион марказда хозирги кунда ёшлардан ташкил толган бир гуруҳ ишчи-ҳодимлар ишлаб келмоқда, марказда фаолият юритиш учун корхонамиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилган бўлиб ёш илмий ҳодимлар ўз ишламаларини, янги турдаги маҳсулотларини яратишда фаолият олиб бормоқдалар. Улардан мисол қилиб “тринатрийфосфат, дефолант ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўлган иккиламчи тузларни қайта технологияга қўллаш ва ХМД цехи қошида нитрат калий” маҳсулотларини ишлаб чиқилимоқда.

Бундан ташқари Президентимиз «Ёшларимиз ўз олдига катта марраларни қўйиб, уларга эришишлари учун кенг имкониятлар яратиш ва ҳар томонлама қўмак бериш – барчамиз учун энг устувор вазифа бўлиши зарур» деб таъкидладилар. Бу эса ўз навбатда ёшларга бўлган эътиборни юксаклигини кўрсатиб ўтмоқда. Корхонамиз фаолиятида ҳам бу йўналишда бир қатор ишлар олиб боришган бўлиб мисол қилиб айтидиган бўлсак, барча цехларда ташкил этилган маънавият хоналари ва малакавий ўқув курслари, кутубхоналардаги мавжуд бўлган илмий ва бадий китоблар тўпламлари, корхонамизга қабул қилинган ёш кадрларни малакали мутахассис бўлиб этишларида устоз-шоғирт анъаналарини қўллаган ҳолда ишлар ташкил этилмоқда.

**Рустам МАМАЖОНОВ
тайёради.**

«ЎЗКИМЁСАНОАТ» АЖ ЯНГИЛИКЛАРИ:

**Миллий матбуот марка-
зида “Ўзкимёсаноат” акци-
ядорлик жамиятининг 2020
йилдаги фаолияти яқунла-
ри ва 2021 йилда амалга
оширилиши режалаштири-
лаётган устувор вазифала-
рига бағишланган матбуот
анжумани ўтказилди.**

“ЎЗКИМЁСАНОАТ”: ЖОРИЙ ЙИЛ ЎСИШ СУРЪАТИ 121 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТИШИ КУТИЛМОҚДА

Унда “Ўзкимёсаноат” АЖ бошқаруви раиси Жўрабек Мирзамаҳмудов ўтган йилда амалга оширилган ишлар сарҳисобига алоҳида эътибор қаратди. Ж.Мирзамаҳмудовнинг таъкидлашича, 2020 йилда қиймати 7301 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган. Бунда ўсиш суръати 2019 йилга нисбатан 108,3 фоизни ташкил этган. — Жамият томонидан маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ, 2020 йилда қиймати 1342,8 миллиард сўмлик 23 лойиҳа амалга оширилиб, ўсиш суръати 166,5 фоизни ташкил этди, — деди Ж.Мирзамаҳмудов. — Саноат кооперацияси доирасида 2020 йилда ҳам 7 турдаги 592,5 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилиди. 803,4 миллиард сўмлик солиқ ва мажбурий тўловларнинг ўз вақтида тўланиши таъминланган бўлса, унинг 668,8 миллиард сўми бюд-

жет, 134,6 миллиард сўми эса бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлардир. Шунингдек, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархи 310,7 миллиард сўмга (4,4 фоизга) камайитирилди. 64,5 миллиард сўм микдорига энергия ресурслари тежалишига эришилди.

Тадбирда жамиятнинг экспорт салоҳияти ҳақида ҳам сўз борди. Қайд этилганидек, ўтган йил якуни билан умумий қиймати 188,9 миллион долларга тенг бўлган кимёвий маҳсулотлар экспорт қилинди. Йил якуни билан умумий қиймати 1,2 миллиард долларлик 7 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилди. Ташкент вилояти Юқори Чирчиқ туманида қиймати 4,5 миллион долларлик йилига 2 минг тонна карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ), Жиззах вилоятида қиймати 1 миллион долларлик йилига 10 миллион дона полиэтилен қоп ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона

шулар жўмласидандир.

Хозирги кунда қиймати 6031 миллион долларлик 33 истиқболли лойиҳа амалга оширилмоқда. Мазкур лойиҳалар самарасида 2470 миллион долларлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти вуждуга келса, 1002 миллион долларлик маҳсулот экспорти ҳам яратилади. Шу билан бирга, бандлик масаласида ижобий натижалар пайдо бўлади, яъни 5 минг 133 янги иш ўрни яратилади. Қайд этилганидек, жорий йилда 9291,1 миллиард сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ва ўсиш суръати 121 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. 2021 йилда эса 1467,1 миллиард сўмлик 26 та лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилмоқда.

**“ЎЗКИМЁСАНОАТ” АЖ
МАТБУОТ ХИЗМАТИ.**



“АММИАК ВА КАРБАМИД ИШЛАБ ЧИҚАРИШ” МАЖМУАСИДА ИЛК МАҲСУЛОТ ЧИҚАРИЛДИ

Президентимиз ташаббуси билан 2016 йил сентябрь ойда “Навоийазот” акциядорлик жамиятида қурилиш бошланган “Аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш” мажмуасида барча ишлар яқунланиб, 2020 йил 23 декабрь куни илк карбамид маҳсулоти олинди. Бу ҳақда “Ўзкимёсаноат” АЖ матбуот хизмати маълум қилди.



Лойиҳа қиймати 985,7 млн. долларга тенг бўлиб, молиялаштириш 577 млн. доллар микдориди Япониянинг банклари ва молиявий институллари кредитлари, 320 млн. доллар Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси кредити ва 88,7 млн. доллар корхонанинг ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилди. Мажмуа Япониянинг “Mitsubishi Heavy Industries Ltd” ва “Mitsubishi

Corporation” компаниялари консорциуми билан ҳамкорликда амалга оширилди. Ишлаб чиқариш технологияларини Даниянинг “Haldor Topsoe”, Италиянинг “Saipem” компанияси ҳамда корпоратив грануляциясини Германиянинг “Uhde” компаниялари етказиб берди. Асосий технологик ускуналар Япония ва Европадан келтирилди. Лойиҳани ишга тушириш ва созлаш ишлари жорий йилнинг октябрь ойида бошланган бўлишига қарамай, 53 кунда тайёр маҳсулот олишга эришилди. Бу “Mitsubishi Heavy Industries Ltd” ва “Mitsubishi Corporation” компаниялари тарихидаги рекорд кўрсаткичи бўлганлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Аммиак ва карбамид ишлаб

чиқариш комплексининг технологик босқичларида қўлланилган ноёб инновацион ва замонавий технологиялар экологик ва энергетик самардорлигига кўра дунёдаги энг сўнгги технологиялар ҳисобланади.

Мажмуада 660 минг тонна аммиак ва 577,5 минг тонна карбамид ишлаб чиқарилади. Аммиакнинг 330 минг тоннаси янги карбамид ишлаб чиқаришга ва 330 минг тоннаси мавжуд аммиаки селитра ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Лойиҳа тўлиқ қувватга чиққанда 1 триллион 428 млрд. сўмлик товар маҳсулот ишлаб чиқарилади ва кимё тармоғининг 9,5 фоизга ўсишга олиб келади. Бюджетга йиллик 600 млрд. сўм микдоридида тушулларини таъминлайди ҳамда 58 млн. долларлик қўшимча маҳсулот экс-

порт қилинади. Лойиҳани амалга ошириш натижасида 1964 йилда қурилган, маънавий жиҳатдан эскирган, энергия сарфи юқори бўлган “Навоийазот” АЖ 1- ва 2- аммиак ишлаб чиқариш цехлари фойдаланишдан чиқарилади.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигининг карбамидга бўлган эҳтиёжи энди тўлиқ қопланади. Хусусан, ғалла ва пахта ҳосилини агротехник муддатларида гектарига қўшимча 100-150 килограмм-гача ўз вақтида карбамид минерал ўғити билан озиклантириш имконини беради. Бундан ташқари, Марказий Осиё давлатлари, Африқонистон, Туркия, Украина ва Грузияга ҳам маҳсулот экспорт қилиниши режалаштирилган.

Ў.А.

“ЎЗКИМЁСАНОАТ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ТИЗИМИДАГИ КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАРДА ҲАМ “КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ” ТИЗИМИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

“Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамиятида Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда ташкилотда коррупцияга қарши курашиш ҳамда унинг олдини олиш юзасидан 2020-2021 йилларга мўлжалланган “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар бўйича йиғилиш ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон фармонида давлат корхоналари ва устав капиталида давлат улуши бўлган корхоналарда коррупцияга қарши ички идоравий назорат тизимларини Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда босқичма-босқич жорий этиш белгиланган.

Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзкимёсаноат” АЖда комплаенс хизмати ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси тизимдаги коррупция ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этишнинг таъсирчан тизимини ишлаб чиқиш, шунингдек, жамият ҳодимлари ўртасида тушунтириш ишларини олиб бориш, коррупция хавфи мавжуд бўлган ҳолларда маслаҳат бериш ва қўллаб-қувватлашдан иборат. Жамиятда

коррупцияга қарши курашиш бўйича ички меъёрий ҳужжатлар ва тартиб-қоидалар, жўмладан, коррупцияга қарши кураш режаси, коррупцияга қарши сиёсати, ишбилармонлик ахлоқ кодекси, манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати ва бошқа бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди.

“Ўзкимёсаноат” АЖда тасдиқланган “Йўл харитаси”да эса тизим корхоналари ҳодимлари ўртасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида тушунтириш ишларини олиб бориш, ҳодимларнинг ҳўқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш назарда тутилган. Кун тартибидидаги масала юзасидан Коррупцияга қарши курашиш агентлиги “Комплаенс-назорат” тизимини жорий этиш бошқармасининг маъсул ҳодимлари О.Латипов ва С.Мамановга сўзга чиқиб, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан юртимизда коррупцияга қарши кура-



ши соҳасидаги амалга оширилаётган ислохотлар, “Комплаенс-назорат” тизимини давлат корхоналарида тадбиқ этиш жараёнлари тўғрисида маълумот бердилар.

Маърузачилар ўз сўзларида коррупция ижтимоий-сиёсий вайронкор оқибатларга олиб келиши, миллий иқтисодийда пўтур етказиши, ижтимоий тенгсизликни чуқурлаштириши, халқнинг давлат бошқаруви ҳўқимияти органларида бўлган ишончини псайитириши, уюшган жиноятчиликни кўчатириши, жамиятда маънавият издан чиқишига олиб келишини таъкидлаб ўтдилар. Тадбир сўнгтида “Ўзкимёсаноат” акциядорлик жамияти тизимидаги корхона ва ташкилотларда ҳам “Комплаенс-назорат” тизими ташкил этиш бўйича қарор қабул қилинди.

**“ЎЗКИМЁСАНОАТ” АЖ
МАТБУОТ ХИЗМАТИ.**

МИЛЛИЙ ГВАРДИЯЧИЛАР СПОРТДА ФАОЛ

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти томонидан 2020
йил 30 октябрда имзоланган
“Соғлом турмуш тарзини кенг
тадбиқ қилиш ва оммавий
спортни янада ривожлантириш
чора-тадбирлари тўғрисида”ги
Фармони ҳамда Ўзбекистон
Республикаси Миллий Гвардия-
си Қўмондонининг 2020 йил 27
декабрь кунидида видеоселек-
тор йиғилишида белгиланган
вазифалар ижросини таъмин-
лаш мақсадида батальонимизда
ҳам бир қатор савъ-ҳаракатлар
амалга оширилмоқда.**

Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси “Farg’opazot” АЖни қўрқлаш бўйича 1-Алоҳида батальони ҳодимлари томонидан “Ватанпарварлик ойлми” доирасида ташкилланаётган тадбирлар юқори савияда ўтмоқда. Жўмладан, Жорий йилнинг 5 январь куни ёшларни спортга кенг жалб қилиш мақсадида батальон мутасаддилари ташаббуси билан Марғилон шаҳридаги 18-сонли умум таълим мактабида кураш спорт тури бўйича мусобақа бўлиб ўтди.

Мусобақада 3 та вазн йўналиши бўйича жами 80 дан ортиқ мактаб ўқувчилари иштирок этиб, ўз имкониятларини синовдан ўтказдилар. Қишнинг совуқ кўнларига қарамай мусобақа кўтаринки руҳда бўлиб

ўтди. Яқунда голиб бўлган иштирокчиларга фахрий ёрлқ ва эсдалик совғалари тантанали равишда топширилди.

Умумтаълим мактаблари ўқувчиларнинг қишки таътилда мароқли дам олишлари, бўш вақтларини мазмунли ташкиллаш, уларнинг онгу тафаккурда она Ватанга садоқат, истиқлол гояларига ҳурмат ҳиссини янада шакллантириш каби эзгу гояларни ўзида мужжасамлаштирган ушбу тадбир барчага бирдек манзур бўлди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси ҳамда ҳўқуқни муҳофаза қилувчи давлат органлари ўртасида спортнинг қўл

жанги тури мусобақасида Ўзбекистон Республикаси Миллий Гвардияси Фарғона вилояти Қўриқлаш бошқармаси “Farg’opazot” АЖни қўрқлаш бўйича 1-Алоҳида батальони 3-отряд ҳодими Шўкуржон Абдурахимов 90 килограмм вазн тоифасида Ўзбекистон Республикасида фахрли 1-ўринни эгаллаб батальон Қўриқлаш хизмати нуфузини янада оширишга муносиб ҳиссасини қўшди. Ватанпарварлик руҳидидаги тадбирлар давом этмоқда.

**Фажриддин МАМАЖОНОВ,
Фарғона вилояти Миллий
гвардияси қўриқлаш бошқармаси
1-Алоҳида батальон командири,
подполковник.**



ФАРЗАНДИНИ МАКТАБГА ЮБОРМАЙДИГАН ОТА-ОНАЛАРДАН УЙДА ЗАРУР ШАРОИТ ЯРАТИШ СЎРАЛАДИ

2020/2021 ўқув йили III чорагидан барча мактабларда ўқув жараёни тўлиқ анъанавий шаклга ўтказилиши тўғрисидаги хабар ижтимоий тармоқларда қўллаб тушунмовчилик ва эътирозларга сабаб бўлди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда мактаблар фаолияти 2020 йил сентябрь ойидан санитар-эпидемиологик талабларга жавоб беролган ҳолда босқичма-босқич тикланди. Қишки таътилдан аввал ўқувчиларнинг 90 фоизи

анъанавий таълимга қайтди. Қолган 10 фоз ўқувчиларни ҳам анъанавий таълимга қамраб олиш мақсад қилинган эди. Халқ таълими вазирлиги хавотирга ўрин йўқлигини, уйда касаллик тарқалишига эҳтимол

